Ишқорли цемент таркибига вулқон чанги, вулқон туфи, перлит ва липерлит кўринишдаги куйган жинсларнинг киритилишига уринишлар [4] ишда қилинган. Бу жинслар химик таркиби SiO_2 -72...75%, CaO -1..3%, MgO -0...2%, Fe_2O_3 - 2...4%, Al_2O_3 -14..17%, R_2O -5..8%, яъни ўзбекистон куйган жинсларидаги ўша оксидлар. Лекин бу оксидларнинг миқдори фарқ қилади. Масалан, Навои карерининг ЭТФи таркибида CaO -13% SiO_2 миқдори анча камроқ- 53% дан ошмайди.

Портландцементни 70% перлит, вулқон чанги, вулқон туфи ва перлит кўринишдаги эффузив жинс билан алмаштирганда ишқорли боғловчилар қотишнинг 28 суткасида қисишда мос равишда мустаҳкамлик чегаралари қуйидагича бўлди: 30;42; 47 ва 46 МПа.

Мамлакатимизда маҳаллий куйдирилган табиий жинслар асосидаги ишқорли боғловчилар тузилмасини шакллантириш қонуниятларини олиш ва ўрганиш А.А.Тўлаганов раҳбарлигидаги олимлар томонидан олиб борилди [10, 11, 12]. Натижада 10...155 МПа фаолликка эга глиеж, глауконит асосидаги ишқорли боғловчилар олинди.

Олдин олиб борилган тадқиқотлар билан ишқорли цемент алюмосиликат компоненти сифатида ёки қисман табиий куйган жинс-ЭТФдан фойдаланиш мумкинлиги ўрнатилди[15, 18]. Бу жинс асосида 20... 40 МПа фаолликка эга ишқорли цементлар ишқорли компонент турига боғлиқ равишда олинди.

Шундай қилиб, ишқорли боғловчилар тузилишининг шаклланиш қонуниятлари ва бу цементларнинг гидратация ва қотиш жараёнларини бошқариш физик-химик асослари ҳақидаги маълумотлар янги бирикмалар таркиби, демак, ишқорли боғловчилар хоссалари алюмосиликат ва ишқорли компонентлар химик-минералогик таркибига боғлиқ ва тайёрлаш ва қотиш жараёнида таркибни бошқариш принциплари йўлга қўйилиши мумкинлигидан далолат беради. Бу эса зарурий физика-механик ва технологик хоссаларга эга бўлган ишқорли кўпик бетонлар олишнинг имконияти ҳақида фараз қилишга имкон беради.

1.2. Портландцемент ва шлакишқорли цемент асосидаги ячейкали бетонлар

Пенобетоннинг тарихи ўтган аср 30-йилларидан бошланади. Совет олими, қурувчи-тажрибачи Брюшков цемент аралашмасига совунли илдиз - Ўрта Осиёда ўсувчи ва кўпик ҳосил қилувчи

ўсимликни қўшди. Натижада янги қурилиш материали – пенобетон дунёга келди.

Кейин мутахассислар цементни кимёвий қўшимчалар-кўпик – ёки газ ҳосил қилувчи моддалар (алюминий пудраси, клейканифол аралашмаси ва ҳ.к.) билан фаол аралаштира бошладилар[4].

Пенобетоннинг афзалликлари:

1.Пенобетон ишлаб чиқариш учун фақат цемент, қум ва сув ҳамда кўпик лозим.

2.Пенобетон шу билан қулайки, блокларни қирқиш, улаш, фрезерлаш мумкин. Ўз хараkreистикаларига ва ишлатилиши хоссаларига кўра бу материал ёғочга яқин, лекин жуда катта сақланиш муддатига эга.

3.Пенобетон тахлашда жуда қулай. Пенобетондан ясалган блоklar унчалик катта бўлмаган массада етарлича катта ўлчамга эга. Масалан, 600x300x200 мм ўлчамли блок зичлигига боғлиқ равишда 20 дан 28 кгча оғирликда бўлади, бу эса меҳнат сарфини камайтириш имкони беради.

4.Пенобетон яхши товушютувчи материал бўлиб, уни тўсиқлар ва эшикларнинг товуш изложисини учун қўллашга ҳамда қурилишда қўллаш мумкин, бу эса маҳнат сарфининг камайтишига олиб келади.

5.Пенобетондан фойдаланиш қалъа қурилишини метрли деворлар билан ўралишини ёки уйингиз атрофида ҳаво исишини ўзингизнинг мабалғларингиз билан амалга оширингиз ўрнини босади. Агар иссиқлик сизнинг уйингиз деворларидан йўқолмаса, у ҳолда ҳатто электр иситиш системаларидан фойдаланиш ҳам сизнинг бюджетингизда таъсир кўрсатмайди.

Бу материал ташқи деворлар ва тўсиқлар учун бетон блоklar ва плиталарда, қаватлар томлари ва тўсиқлари учун бетон плиталарда

фойдаланилади. Ҳамда пенобетон коммерция ва саноатда фойдаланиш учун ихтиёрий ўлчамли йиғма панелларда, моноклит деворларда, боғларни безашда ва ҳ.к.ларда фойдаланилади. Полларни пенобетон қатлами билан қоплаш керамик плиталарни, мраморли плиталарни, цемент плиткаларни ва ҳ.к. ларни бириктиришга ёрдам беради.

Умуман, 500кг/м^3 зичликка эга пенобетон бирикмасидан унчалик катта бўлмаган юкланишда иссиқлик ва товушизоляциясини олиши учун фойдаланилади. Бундай қопламанинг минимал қалинлиги 40 мм. Мавжуд полга материални солишдан олдин сиртда кучли бўлмаган намланишни бажариш лозим. Гилам, паркет, винил плиткалар ва ҳ.к.лар билан қопланадиган поллар учун эластик қопламалар қўлланилади. Цементнинг қумга нисбати 2:1 нисбатда бўлганда бетоннинг энг мос келувчи зичлиги -1100 кг/м^3 .[5].

Пенобетоннинг бошқа қурилиш материалларидан асосий фарқи бу юқори иссиқизоляцияли сифатларидир. 30 смли пенобетон ўз иссиқлик изоляция сифатларига кўра 75-90 смли керамзитбетонга ёки 150-180 смли ҳиштга тенг[18].

Бу ишланмалар асосида Ўзбекистонда пенобетондан қурилиш материаллари:блоклар, тўсиқлар, девор панеллари, ишлаб чиқара бошланди, улар шзларининг иссиқизоляция хоссаларига кўра ғишт ва оғир бетонлардан 3-5 марта юқори туради. Лекин ажойиб иссиқлик изоляция хоссаларига қарамай бу қурилиш материали бирданига киришиб кетмади. Пенобетоннинг асосий камчиликларидан бири айниқса ячейкали бетонларнинг, фойдаланилаётган цементга боғлиқ паст мустаҳкамлиги ҳисобланади.

МДҲ да иссиқ сақловчи материаллар ва буюмлар ишлаб чиқариш кейинги йилларда янада ривож топди. 1980 йилларда собиқ

СССРда уларнинг умумий ишлаб чиқариш йилига 3 млн.м² дан зиёдни ташкил этган.

Иссиқ сақловчи ва товуш ютувчи материалларини яратиш ва ўрганиш масалаларига Беранека Л.Л.[73], Мехел Ф.Р.,[74, 75, 76] Юдин Е.Я.,[55, 56, 64] Цвиккер К. ва Костен К.,[67] Шмидт. Л.М.,[72] Румянцева Б.М.,[78,] Ласаускас В.И.[59, 60] лар ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишлари бағишланган.

Кўпгина тадқиқотчилар фикрига кўра энг истиқболли иссиқ сақлаш учун ячейкали буюмларни тайёрлаш мақсадга мувофиқ ва иқтисодий асосланган, чунки уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш катта капитал маблағларни ва қувватларни ишга тушириш учун узоқ муддатларни талаб этади.

Ячейкали материалларнинг иссиқ сақлаш хоссалари ҳаво юборишда газ ҳосил қилиш таъсирида ёки иссиқлик таъсир кўрсатиш натижасида ҳосил бўладиган уларнинг тузилиши хусусияти билан аниқланади.

Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар ва иссиқ сақловчи материаллар ва хусусан, ячейкали тузилишга эга материаллар соҳасидаги тадқиқотлар натижалари ҳақидаги адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, анъанавий кальций бирикмалар асосида паст маркали ячейкали бетонлар олинади. Бу олинаётган материалларнинг юқори бўлмаган мусмтаҳкамлик кўрсаткичлари ва уларнинг етарлича сувга чидамга эмасликлари билан боғлиқ.

Бундай материалларнинг фойдаланиш характеристикаларини ошириш кўпинча кўп энергия ва меҳнат харажатини ҳамда технологияни мураккаблаштиришни талаб этади.

Бу муаммоларнинг ечими юқори фаолликка эга бирикмалардан фойдаланиш орқали топилиши мумкин. Бундай бирикмаларга шлакишқорли бирикмалар киради [38, 52, 55, 56, 68, 69, 71]. Уларнинг хоссалари, технологияли ва иқтисодий самарадорлиги улар асосида самарали иссиқ сақлаш материалларни олиш йўналишида ишланмалар ўтказиш истиқболларини белгилаб беради.

Бундай бирикмаларни ячейкали материаллар олиш учун фойдаланиш ҳақидаги мавжуд маълумотлар тасдиқлайди [50, 51, 52, 65, 66].

Истиқболли иссиқ сақловчи материалларга ячейкали бетонлар, хусусан, ёпиқ бўшлиқларга эга бир жинсли таркиб билан характерланувчи кўпикбетонларни киртиш мумкин. Лекин анъанавий боғловчи (портландцемент, оҳак)лардан ячейкали бетонлар камчиликлари бу боғловчиларнинг нисбатан юқори бўлмаган фаоллиги билан боғлиқ, уларнинг етарлича кичик мустаҳкамлиги ҳисобланади.

Шлакишқорли ячейкали бетонларни олиш соҳасида Шерман А.Ю. [70]нинг иши ҳам маълум, унда ўртача зичлиги $400..1200 \text{ кг/м}^3$ чегараларда ҳам тўғри келадиган куйидирилмайдиган ячейкали шлакишқорли бетонларни олиш принципал имконияти кўрсатилган. Унинг томонидан бундай бетонлар хоссалари қўлланилаётган шлак турига боғлиқ равишда ўзгариши ўрнатилган кўрсаткичларини жуда ошириш мумкин. Лекин бундай бетонлар паст к.с.к.га эга.

Конструктив автоклав газобетон шлакишқорли бирикма ва лессли тупроқлар асосида Сикорский О.Н.[63] томонидан олинган. Унинг томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида ўртача $800...1500 \text{ кг/м}^3$ зичликда 25...125 мустаҳкамлик бўйича маркадаги ва

ўртача 400... 800 кг/м³ зичликда 15... 80 маргадаги газобетон ишлаб чиқилди.

Шлак ишқорли ячейкали композицияларни яратиш бўйича ишларда олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу соҳадаги биринчи тадқиқотларда ғовакли тузилишнинг ячейкали шлакишқорли бетонлар шаклланишига таъсири ҳисобга олинган.

Кейинги ишларда яна юқори даражада бу масала қаралган ва шлакишқорли бетонларга олдиндан берилган хоссаларни бериш мақсадида уларнинг ғовакли тузилишини бошқаришга йўналтирилган.

Бунда ячейкали материаллар олишнинг қуйидаги йўллари ажратиш мумкин: автоклав ишловни қўллаш ёки унингсиз газобетон ва пенобетон технологиялари бўйича. Бундан ташқари, қатор тадқиқотларда ҳароратнинг материал тузилишига таъсири акс эттирилган.

Шлакишқорли ячейкали бетонларнинг ўрганишга Багров Б.О. [44, 45, 46] нинг кўпгина ишлари бағишланган. Унинг томонидан грануланган домна шлаки асосида автоклавсиз ячейкали бетонлар тадқиқ этилган. Бундай бетонлар мустаҳкамлиги 700...1000кг/м³ зичликда 2,8...7,8 МПа га етади. Унинг томонидан материалнинг сув ютилишини камайтириш учун бетон таркибига ғоваклар деворларини кольмаловчи полистрол бисер киритиш таклиф қилинган. Лекин Багров Б.О. асосий эътиборни рангли металлургия шлаклари асосида иссиқ изоляцияли ячейкали бетонларга қаратди ва бундай материалларни газобетон ҳам, пенобетон технологиялари бўйича олишнинг принципиал имкониятини ўрнатди.

У олинадиган композицияларнинг тузилишини шакллантириш жараёнида анънавий кальций бирикмалар композициялардаги каби қонунларга бўйсунishiга асосланди[44, 45].

Унинг ишлари натижасида потрландцементдан анънавий ячейкали бетонлар кўрсаткичларидан ошувчи кўрсаткичларга эга автоклавсиз ячейкали бетонлар олинмади.

Багров Б.О.нинг[45] фикрича шлакишқорли ячейкали бетонлар мустаҳкамлик характеристикаларининг ошиши автоклав ишловини қўллагандагина мумкин. Сиқилишда 3,2...5,9 МПа мустаҳкамликка ва 500...1200 кг/м³ зичликка эга автоклав шлакишқорли ячейкали бетонларни олишга мос равишда Багров Б.О.[40, 41] ва Баранов А.Т. ишларида таъкидланган.

Қаралаётган тадқиқотлар асосан материалнинг иссиқлик изоляцияси хоссаларини таъминловчи ғовакларнинг текис тақсимотига, доиравий ва уларнинг зич жойлаштиришига эга бетонни олишга йўналтирилган. Шу билан бирга шлакишқорли газобетонда Сикорский О.Н.нинг[63] аввал ўтказган тадқиқотларидан келиб чиқадики, кесувчан ғоваклар мавжуд, бу эса унинг фикрича материалнинг хусусияти ҳисобланади. Бундай махсуслик акустик, хусусан, товуш ютувчи хоссаларга эга бўлган материални олишда қўлланилиши мумкин. Турли шлакларда шлакишқорли газобетонлар соҳасидаги ишларга силикомарганец шлак ишлаб чиқариш асосида шлакишқор автоклав газобетоннинг таркибига ва технологияси ишаб чиқишга бағишланган Кривенко П.В. ва Мельник Г.Б. [58]лар томонидан ўтказилган тадқиқотлар ҳамда суюқ шишада иссиққа чидамли газобетон соҳасида Кривенко П.В. ва Ушаткин С.М. ишланмалари киради [57].

Бу тадқиқотлар натижалари юқори хароратлар таъсирида массаларда ўтадиган янги тузилмалар ҳосил бўлиш жараёнларини бошқариш жуда самарали бўлишидан далолат беради. Газобетон аралашмада электр қиздиришни қўллаш кенг чегараларда газ ажратиб чиқариш тезлигини ўзгартиришга ва ғовак тузилишини шакллантиришни бошқаришга имкон беради[57].

Румина Г.В., Гоц В.И, Числицкий Е.В. ва Омельчук В.П.[51, 52, 61] тадқиқотлари шлакишқорли пенобетоннинг макро- ва микротузилиши шаклланиши ҳақида маълумотларни ўз ичига олади.

Шлакишқорли ячейкали бетонларнинг тузилиши ҳосил бўлиши жараёнларининг асосий қонуниятлари Омельчук В.П.[51, 52, 62] ишларида ўрнатилган. У конструкцион шлакишқорли пенобетон технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Омельчук В.П.[51, 52, 77) пенобетон композиция таркибига пўлат эритилган шлакни киритишни таклиф этади ва бунда ҳосил бўлган жараёнларини бошқариш мумкинлиги исботлайди. Унинг томонидан шлак ишқорли ячейкали бетонлар тузилишини шакллантириш кўп жиҳатдан системанинг бошланғич босқичларида гидратация жараёнларининг бориш тезлиги билан боғлиқлиги кўрсатилган. Бу ишлар мос равишда ўртача $600...900 \text{ кг/м}^3$ ва $1000...1200 \text{ кг/м}^3$ зичликда ва сиқилишда $2,5...12,8 \text{ МПа}$ ва $12,0...19,6 \text{ МПа}$ мустаҳкамликка эга автооклавида ячейкали бетон олишга имкон беради.

Шлакишқорли газобетонлар олишда Атабаев К.К. бир қатор илмий-тадқиқот ишларини олиб борган[43]. Бу ишлар натижасида электротермофосфор грануллиланган шлаклари ва ишқорлар асосида ўртача зичлиги $600...900 \text{ кг/м}^3$ бўлган газобетонлар олинган. Лекин бу

олинган материаллар товуш изоляцияси учун мўлжалланган, яъни газобетон ғовакликлари бир-бири билан бириккан, боғланган.

Шлакишқорли пенобетонлар соҳасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, иссиқ сақлаш хоссаларни шаклланаётган композиция таркибига ёпиқ ғовакликни яратишга ёрдам берувчи қўшимчаларни киритиш билан таъминлаш мумкин. Бунда қўшимчаларга биринчи навбатда цемент ва толали материаллар киради.

Шундай қилиб, келтирилган тадқиқотлар натижалари пенобетон олишда шлакишқорли композицияларнинг истиқболилигидан далолат беради ва бу соҳада кейинги тадқиқотларнинг олиб борилиши учун асос бўлади.

1.3. Тадқиқот мақсади ва вазифалари

Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлили «шлак-ишқор» тизимининг катта боғлаш потенциал энергиясига эга эканлигидан далолат беради ва юқори физикавий-механикавий хоссаларга эга бўлган ишқорли ячейкали бетонлар олиш имкони борлигини кўрсатади. Ушбу энергиядан фойдаланиш учун “шлак-ишқор-юқори асосли қўшимча-ғоваклик” тизими қонуниятлари тўлиқ ўрганилиши ва таҳлил қилиниши керак.

Ўзбекистондаги фаол минерал ашёлар бошқа МДХ мамлакатларидаги фаол минерал ашёларга нисбатан кимёвий таркибидаги оксидларнинг миқдори билан фарқ қилсада, сифат жиҳатдан фарқ қилмайди. Бу эса бундай фаол минерал ашёлар ҳисобига ишқорли ячейкали бетонларнинг хом ашё базасини кенгайтириш имконини беради.

Шунга мувофиқ мазкур ишнинг мақсади маҳаллий минерал ашёлар асосида юқори асосли қўшимчалар қўшилганда самарадор ишқорли ячейкали бетонлар ишлаб чиқишдир.

Юқорида келтирилганларга асосланиб ушбу ишда қуйидаги асосий вазифалар қўйилган:

- ишқорли пенобетон таркибини ишлаб чиқиш;

- ишқорли пенобетон асосини ташкил қилувчи ишқорли цемент тошининг минералогик таркибини комплекс физикавий-кимёвий усуллари ёрдамида тадқиқотлаш;

- ишлаб чиқилган пенобетоннинг хоссаларини ва узоққа чидавчанлигини тадқиқотлаш.

I боб буйича хулосалар

1. Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлили «шлак-ишқор» тизимининг катта боғлаш потенциал энергиясига эга эканлигидан далолат беради ва юқори физикавий-механикавий хоссаларга эга бўлган ишқорли ячейкали бетонлар олиш имкони борлигини кўрсатади.
2. Шлакишқорли пенобетонлар соҳасидаги олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики иссиқ сақлаш хоссаларни шаклланаётган композиция таркибига ёпиқ ғовакликни яратишга ёрдам берувчи ва кристалланишни тезлаштирувчи қўшимчаларни киритиш билан таъминлаш мумкин.
3. Бир қатор ишқорли цемент тадқиқотларида кристалланиш жараёнини тезлаштирувчи ва қотувчи тизимнинг асосийлигини оширувчи қўшимча сифатида портландцемент клинкери самарадорлиги келтирилган, шу сабабли ишқорли

пенобетоннинг ҳам мустаҳкамлигини оширишда портландцементдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

II-боб Хом ашёлар ва тадқиқот усуллари

2.1. Тадқиқот учун хом ашёлар

Юқори ишқорли муҳитда табиий ва сунъий куйган моддалар ишқорлар билан реакцияга киришиб сувга чидамли ишқорли тузилмаларни ҳосил қиладилар. Ишқорли цементлар олиш мақсадида тадқиқотларимизда фаол минерал ашё ва алюмосиликат ташкил қилувчи сифатида Чимкент (Қозоқистон) “Фосфор” бирлашмасининг электротеромофосфор шлаги ишлатилди. Бу ашёнинг таркиби куйидагича, % ҳисобида: SiO_2 -41,24, Al_2O_3 -2,72, Fe_2O_3 -0,45. Шлакнинг асос модули 1,16, фаоллик модули эса 0,07. Ушбу шлаklar фосфат минерал хом ашёлар – фосфорит ва апатитларни электротермик қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган чиқинди ашё ҳисобланади. Хом ашё 1550...1650 °C да эритилади, натижада фосфор оксидлардан тикланиш жараёни ўтади ва фосфор ўғити олинади. Эритма фосфор ажратиб олингандан сўнг сув ёрдамида доналаштирилади. ва натижада майда донали шлак ҳосил бўлади. Бир тонна фосфор ўғити олишда 18...20 т шлак ҳосил бўлади.

Шлак майин туйилган ҳолатда ишлатилди, солиштирма юзаси ПСХ-2 ускунасида назорат қилиниб бу кўрсаткич 330...340 м²/кг га тенг бўлди.

Ишқор ташкил қилувчи сифатида ГОСТ 5100-85 бўйича “Б” маркали калцийлаштирилган техник сода ишлатилди. Унинг сифат

курсаткичлари куйидаги жадвал 2.1-да берилган, Калцийлаштирилган сода сувдаги аралашма зичлиги 1380 кг/м^3 шаклида ишлатилди.

Жадвал 2.1. Калцийлаштирилган соданинг сифат кўрсаткичлари.

№ Т/р	Кўрсаткичларнинг номланиши	Марка «Б»		
		Юқори нав.		
1	Кўриниш ҳолати	Оқ кукун порошок		
2	Углекис натрий масса миқдори (Na_2CO_3), %	99.4		
3	Маҳсулотни печда куйдирилмаган ҳолатдаги углекис натрий масса миқдори (Na_2CO_3), %	98.9		
4	Куйдиришдаги йўқолиш масса миқдори ($270\text{-}300^\circ\text{C}$ бўлгандаги), %	0.5		
5	Хлориднинг қайта ҳисобий массавий миқдори NaCl , %	0.4		
6	Темирнинг қайта ҳисобий массавий миқдори Fe_2O_3 , %	0.003		
7	Сувда эримайдиган моддалар массавий миқдори, %	0.03		
	Сульфатнинг қайта ҳисобий массавий миқдори Na_2SO_4 , %	0.04		

Ишқорли ташкил қилувчи сифатида зичлиги 1400 кг/м^3 , силикат модули 1, 2, 3 бўлган саноат суюқ шишаси ишлатилди.

Пенобетон тайёрлашда кўпик ҳосил қилиш учун Россияда ишлаб чиқилган ПБ-2000 маркали модда ишлатилди. ПБ-2000 – суюқ ҳолатда бўлиб, ранги сарғиш.

Кўпик бетон тайёрлашда майда тўлдирувчи сифатида ГОСТ 8269-93 талабларига мос келувчи йириклик модули $M_{\text{й}}=2,2...2,4$ бўлган Зарафшон карьерининг дарё қуми ишлатилди. Бу қум қум-шағал аралашмасидан элаб ва ювиб олинган.

Боғловчи моддаларни стандарт маркасини ва активлигини аниқлашда ГОСТ 310-76 талабларига мос келувчи қум ишлатилди.

Солиштириш мақсадида ва юқори асосли қўшимча сифатида пенобетон тайёрлаш учун ОАЖ “Қизилқумцемент” портландцементи ишлатилди. Бу цементнинг кимёвий таркиби 2.2-жадвалда келтирилади.

Шундай қилиб танлаб олинган хом ашё маҳсулотлари қўйилган тадқиқотлар олиб бориш ва қўйилган мақсадга эришиш учун мос келади.

Хом ашё	Намуна №	Оксидларнинг массавий миқдори, %									
		Қ.М.К.	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	SO ₃	R ₂ O	жами	W
Навоий цемент заводи портландцемент клинкери	1	0,30	21,84	4,78	4,75	74,79	2,59	0,56	1,58	99,82	0

Жадвал 2.2. Хом ашёларнинг кимёвий таркиби

2.2. Тадқиқот усуллари танлаш

Боғловчи моддалар ГОСТ 310.1...310.3.-76, ГОСТ 310.4-81 ларда келтирилган усуллар билан синалди. Бунда сув ўрнига сувда эритилган ишқорли ташкил этувчи ишлатилди.

Пенобетон қоришмасини тайёрлаш учун “SCARLETT” маркали миксердан фойдаланилди. Қоришма миксерда кўпиртирилгандан кейин пўлат қолипларга қуйилди ва нам шароитда сақланди. Намуналарни сақлаш ва сиқилишга синаш ГОСТ 10180-90 бўйича бажарилди. Пенобетоннинг ўртача зичлиги ГОСТ 12730.1-78 бўйича, совуқбардошлиги ва қуриганда усадкаси ГОСТ 25485-89 бўйича, иссиқ сақлаш қобиляти ГОСТ 7076-87 бўйича аниқланди.

Физикавий-кимьёвий тадқиқотлар олиб бориш учун нормал қуюқликдаги боғловчи хамиридан тайёрланган томонининг узунлиги 20 мм бўлган куб шаклидаги намуналар ҳам тайёрланди. Намуналар 3+6+2 соат режимда изотермик ҳарорат 95-100 °С бўлган шароитда иссиқлик билан ишлов берилди.

Электрон микроскопик таҳлил. Тадқиқи қилинаётган намуналар микро тузилиши ва фазавий таркибини ўрганиш учун (TELSA-BS-242E) микраскопда электрон-микроскопик тадқиқи ўтказилди. Объект тавсифини микрофотога олиш 5000-8000 марта катталаштириш диапазонида бажарилди. Тузилишини ўрганиш 2% ли намуналарни HF эритма билан аралаштирилган намуналар бир поғонали платина-углерод репликлар усулида фойдаланиб ўтказилди.[79] Бунда намунанинг янги сколига платина ва углерод қатлами ВУП-2 прибор билан қўйилди. Намуналарни чанглаштирилгандан сўнг турли концентрацияли (15-20%) туз кислотаси билан аралаштирилди. Дистирилган сувда пухта ювилгандан сўнг айрим

репликаларни таянч тўрларга илинди ва элетро микроскопда қарашди. Намуналар турликатталикларда, кристаллар ўлчамлари 3-4мкм бўлган ҳолат олинди.

Рентген таҳлили. Рентген таҳлили бошқа физик кимёвий усулларга қараганда универсал ва ҳозирги пайтда мукаммал тадқиқот усули ҳисобланади. Булардан фойдаланиб таркиби бўйича мураккаб материалларни сифат ва миқдорий фазовий таҳлилни ўтказишга ҳамда индивидуал бирлашмалар кристал тўрлар тузилишини аниқлаш мумкин.

Рентген таҳлили мақсадларига ва объект турига боғлиқ равишда турли тадқиқот усуллари қўланилади: ярим кристаллик намуналар учун кукун ва Дебай Шерер усуллари ва монокристал намуналар учун Лауэ усули.[81]

Қурилиш материаллари хусусан, полекристал жисимлар каби сифатида ишқорли шлак боғловчилар, одатда дифраглашган рентген нурланишини ионли қайт этиш орқали кукун усули билан ўрганилади. Бу усулнинг афзалиги- алоҳида минералларга нисбатдан юқори сезгирлик ва таҳлил учун вақтнинг қисқалигидир.

Рентгенограммаларнинг мазмунини ўқиш қуйдагича олиб борилади. Ҳар бир индивидуал бирикма кристаллари фақат уларнинг ўзига хос текисликлар аро масофалар ҳарактерли қийматлари ва мос аксланишларнинг маълум интенсивланишлигига эга рентгенограммани беради.

Турли тадқиқотчилар томонида турли малумотли қўланмаларда келтирилган кўпгина сувсиз ва сувли кристал ва минералларнинг ишончлиги рентгенограмма орқали олинган. Турли минералларнинг энг тўла рентгенографик ҳарактеристикалари рўхати ҳалқаро картатекада берилган [78, 82].

Юқорида кўрсатилган электротермофосфор шлак, шлакишқорли цемент, портландцемент композициялари асосида олинган намуналар дифракцион расмлари CuK_α -нурланишда, Ni-филтир билан, ДРОН-0.2 рентген қурилмасида олинган. Рентгенограммани олиш санагич дискининг 2град/дақ. тезлигида амалга оширилди. Ички эталон сифатида монокристал кварцдан фойдаланилди. Кобальтли нурланиш тўлқин узунлиги- $1,78529\text{\AA}^0$, трубка кучланиши-25 кV, трубка қиздиргич токи-20 кв. Фазаларни идентификациялашда (1-3) ишлар муаллифлари тузган жадвал ва машғулотномалардан ҳамда ASTM рентген порошокграммалари бўйича картатекадан фойдаланилди[80, 83].

Боғловчиларнинг **дифференциал-термик анализи (ДТА) ва дифференциал-термик гравиметрияси (ДТГ)** “Паулик-Паулик-Верден” ускунасида бажарилди. Намунанинг массаси 500 мг, гальванометр деталларининг нисбати 1/10. Намунанинг максимал қиздирилиш ҳарорати 1000°C . Расмга олиш тезлиги 10 градус бир минутда. Эталон сифатида қиздирилган техник глинозем ишлатилди. Дериватограммаларни расшифровка қилишда [26, 27] манбалардан фойдаланилди.

Демак танланган тадқиқотлар усуллари стандартларга мос келади, чуқур физикавий-кимёвий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради ва қўйилган мақсадга эришишга асос бўлади.

II боб бўйича хулоса

1. Танлаб олинган хом ашё маҳсулотлари қўйилган тадқиқотлар олиб бориш ва қўйилган мақсадга эришиш учун мос келади.
2. Танланган тадқиқотлар усуллари стандартларга мос келади, чуқур физикавий-кимёвий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради ва қўйилган мақсадга эришишга асос бўлади.

III-боб. Ишқорли ячейкали бетонларнинг таркибини ишлаб чиқиш ва хоссаларини тадқиқотлаш

3.1. Ишқорли кўпикбетон таркибини ишлаб чиқиш

Ишқорли цементларнинг қотиш жараёнини тадқиқотлаш ва уларнинг физикавий-механикавий хоссаларига бағишланган адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики бундай цементлар бир қатор юқори физикавий-механикавий хоссаларга эга бўлгани билан бирга узоққа чидавчанликга эга [4]. Шу билан бирга ишқорли цементларнинг бу хоссалари алюмосиликат ва ишқорли компонентларнинг турига, цементларнинг қотиш шароитига ва бошқа бир қатор факторларга боғлиқ. Шунинг учун кўпик бетон таркибини ишлаб чиқишдан олдин ишқорли цементнинг таркиблари кўриб чиқилди. Бу таркиблар ва уларнинг буғлашдан кейинги ва 28 кун қотгандан кейинги мустаҳкамлик чегаралари 3.1-жадвалда келтирилган.

Жадвал 3.1. Ишқорли пенобетонлар таркиби ва хоссалари

№ Т/р	Боғловчи таркиби, %		Ишқорли компонент тури ва боғловчига бўлган нисбати			Буғлашдан кейинги мустаҳкамлик, МПа		28 кунлик мустаҳкамлик, МПа	
	Цемент	ЭТФ	Сода	Суюқ шиша	Сув	эгилишга	сиқилишга	эгилишга	сиқилишга
1									
2									
3									
4									
5									

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, электротермофосфор шлаки асосида олинган ишқорли цементларнинг эгилишга ва сиқилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси қотиш шароитиданқатъий назар оддий портландцементнинг мустаҳкамлигидан юқори. Шу билан бирга бу фарқ уч маркагача етади. Масалан портландцемент эгилишга ва сиқилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси 28 кундан кейин 26 ва 34 МПа бўлганда, ишқорли цементнинг мустаҳкамликлари мос равишда ишқорли ташкил қилувчи сифатида сода ишлатилганда 37 МПа ни, суюқ шиша ишлатилганда эса 63 МПа ни ташкил этади. Бу сонлар портландцементникига тенг ва тахминан 90...95% га юқори. Бу фарқлар ишқорли цементга 30% цемент қўшимчаси киридилганда янада ошиб боради ва то 90% гача етади (3.1-жадвал).

Худди шундай қонуният боғловчилар таркибига 10% цемент қўшимчаси солинганда ҳам сезилади. Масалан шлак, сода ва 10 % цемент асосидаги шлакишқорли цементнинг буғлашдан кейинги эгилишга ва сиқилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси 42 МПани, 28 кун қотгандан кейин 40,1 МПа бўлган бўлса, шлак, суюқ шиша ва 30 % цемент асосидаги ишқорли цементда эса шу кўрсаткичлар мос равишда буғлатган намуналарда 66,2 МПани ва 28 кунлик намуналарда эса 65,1 МПа ни ташкил этди.

Барча таркибдаги ишқорли цементларда буғланган намуналарнинг мустаҳкамлик чегараси 28 кун давомида қотган намуналарнинг мустаҳкамлик чегараси билан тахминан тенг. Бу қонуният адабиётларда келтирилган ишқорли цементлар ва бетонлар ҳақидаги тадқиқотлар натижалари билан мос келади [7, 8].

Шунлай қилиб, тадқиқотлар натижасида қабул қилиб олинган хом ашё маҳсулотлари асосида ишқорли ташкил қилувчи сода асосида 400, суюқ

шиша асосида эса 600 маркали ишқорли цементлар олинди. Бундай юқори маркаларни олишнинг асосий сабабчиси қотган ишқорли цемент тошининг янги тузилмаларининг таркиби билан изоҳлаш мумкин. Шу сабабли рентгеноструктур анализ, дифференциал термик анализ ва микроскопик анализларни ўз ичига олган комплекс физикавий-кимёвий анализлардан фойдаланиб электротермофосфор шлаки, шу шлак ва сода ҳамда шу шлак ва суюқ шиша асосидаги қотган сунъий тошнинг янги тузилмалари тадқиқотланди. Солиштириш учун цемент-сув асосидаги қотган тош ҳам шу усуллар билан тадқиқотланди. Бу анализларнинг натижадари 3.1, 3.2, 3.3, 3.4, 3.5, 3.6 ва 3.7- расмларда келтирилди.

Тоза электротермофосфор шлакининг дифференциал-термик анализи эгри чизиғида 900°C да экзотермик ва 700°C да эндотермик эффектларни кўрамиз (3.3-рам). Эндотермик эффект шлакдаги полиморф ўзгаришлар бўлиб ўтаётганини кўрсатади, экзотермик эффект эса волластонитнинг парчаланишига ишора қилади. Демак электротермофосфор шлагида асосан кальцийнинг силикати, хусусан волластонит минерали борлигидан далолат беради. Бу хулоса электротермофосфор асосида олинган ишқорли цементлар тадқиқотлари келтирилган А.Азимовнинг илмий ишларида келтирилганларга мос келади [39].

Рентгенограммаларнинг натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ишқорли цементлар қотганида ҳосил бўлган сунъий тошнинг таркибидаги янги тузилмалар портландцемент асосидаги сунъий тошнинг таркибидаги янги тузилмалардан фарқли асосан аморф модда бўлган гел (қаттиқ цемент лойи) фазасидан иборат (3.4, 3.5, 3.6 ва 3.7 расмлар). Шу билан бирга кальцитнинг чизиқлари ишқорли компонент ишлатилганда сезиларлироқ нисбатан суюқ шиша ишлатилганда. Демак кальцит тез кристалланиб биринчи ишқорли цемент тошида структура ҳосил қилади ва ишқорли цемент қотиши бошланади. Цемент қўшимчаси солинган ишқорли цемент

тошининг рентгенограммаларини портландцемент тошининг рентгенограммалари билан солиштирганда ишқорли цемент тошининг янги тузилмалари таркибида портландцемент тошининг янги тузилмаларига хос сувли минераллар бўлган икки кальцийли гидросиликатнинг, учкальцийли гидроалюминатнинг, кальцийнинг гидроферритларининг ва $\text{Ca}(\text{OH})_2$ нинг чизиқларини кўрмаймиз. Демак портландцементнинг юқори асосли минераллари ишқор ёрдамида шлакнинг минераллари билан бирикиб натижада паст асосли минералларни ҳосил қилган. Маълумки паст асосли минераллар цемент тошининг юқори мустаҳкамлиги, сульфатбардошлиги, совуқбардошлиги ва бошқа афзалликларининг гаровидир. Қотган ишқорли сунъий тошнинг таркибида ишқорли янги тузилмалар дифракцион чизиқлиринг кўринмаслигига сабаб бу тузилмаларнинг қотиш бошланғич даврларида қаттиқ цемент лойи шаклида эканлиги деб ҳисоблаймиз.

Ишқорли цемент тоши таркибида асосан гел фазаси кўплиги ва кристаллик фазаси асосан паст асосли гидросиликатлардан иборатлиги исботини микроскопик анализ натижаларида топишимиз мумкин (3.1 ва 3.2 расмлар).

Шундай қилиб тадқиқотланган ишқорли цементлар таркибларининг юқори мустаҳкамликга эга эканлиги қотиш натижасида ҳосил бўладиган янги тузилмаларнинг таркиби билан ифодаланади. Бундай янги тузилмалар таркибили ишқорли цементлар қотиши натижасида ҳосил бўлган сунъий тош юқори мустаҳкамликга, сульфатбардошликга, совуқбардошликга ва бошқа афзалликларга эга бўлади. Шу сабабли бундай ишқорли цементлар асосида ячейкали бетонларнинг энг кўп тарқалган тури кўпик бетон таркибини тузиш ва тадқиқотлашга ўтамыз.

Тадқиқотлар учун кўпик бетоннинг ўртача зичлиги 600 кг/м^3 танлаб олинди, чунки ушбу ўртача зичлик қурилишда энг кўп ишлатилади ва агар

бошқа ўртача зичлик керак бўлганда тулдирувчи бўлган қум ҳисобидан бошқариш имкони мавжуд.

Тадқиқотлар учун танланган кўпик бетон таркиблари 3.2-жадвалда келтирилади.

Бунда ишқорли ташкил этувчи сифатида кальцийли соданинг 1200 кг/м^3 зичликдаги сувдаги эритмаси, натрийли суяқ шишанинг 1300 кг/м^3 зичликдаги сувдаги эритмаси ишлатилди. Тўлдирувчи сифатида Зарафшон дарьесининг қуми ишлатилди. Бу махсулотларнинг сифат кўрсаткичлари 2.2 бўлимда келтирилган.


Солиштириш учун ОАЖ “Қизилқумцемент” ПЦ 400 Д20 маркали портландцементи асосида ҳам кўпик бетон олинди ва тадқиқотланди. Ҳамма таркибларда боғловчиларнинг сарфи 380 кг/м^3 этиб олинди.

Тадқиқотланаётган 2, 3, 4, 6, 7 ва 8-чи таркибларга ОАЖ “Қизилқумцемент” нинг ПЦ 400 Д20 маркали портландцементи қўшимча сифатида 10, 20 ва 30% миқдорида кўпик бетон қоришмасини тайёрланаётганда солинди. Барча таркибларда кўпик ҳосил қилувчи сифатида “ПБ-ЛЮКС” маркали пенообразователь ишлатилди ва унинг сарфи 700 мл/м^3 бўлди. 3.2-жадвалда келтирилган таркиблар асосида $150 \times 150 \times 150 \text{ мм}$ ўлчамдаги намуналар тайёрланди, нормал шароитда, яъни намлиги 95% дан юқори бўлган шароитларда сақланди ва 3, 7, 14 ва 28 кунлик сиқилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси гидравлик прессида аниқланди. Ҳар бир муддатга 3тадан намуналар синалиб ўртача миқдори топилди. Бундан ташқари ҳар бир таркибнинг ўртача зичлиги аниқланди.

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ишқорли цемен асосида “ПБ-ЛЮКС” пенообразователи ишлатилганда пенобетон олиш мумкин, чунки ишқорли цементлардаги юқори ишқорли муҳитда ҳосил бўлган кўпик пуфакчалари устувор ва бир неча соатлар давомида шу устуворлигини сақлайди. Чамалаш тадқиқотларида “АРЕКОН” маркали

пенообразователь ҳам ишлатиб кўрилганда, ҳосил бўлган кўпик пуфакчалари устувор бўлмади, тез орада кўпик “ўтирарди”.

Тадқиқотланаётган пенобетонларнинг то 28 кунгача мустаҳкамлигининг ошиш интенсивлиги 3.8 ва 3.9-расмларда келтирилган. Шунини таъкидлаш керакки барча таркиб намуналари вақт ўтиши билан мутассил ўз мустаҳкамлигини ошириб боради. Бу ошириш ишқорли компонент сифатида сода ишлатилганда суюқ шиша ишлатилгандан кўра интенсивроқ. Масалан сода асосидаги намуналарнинг 3 кунлик мустаҳкамлиги жуда паст бўлгани билан 28 кундан кейин эса 0,00 МПа гача, яъни 4-5 баробарга кўтарилди (1 ва 5 таркиблар, 3.2 жадвал). Суюқ шиша ишлатилганда эса бу кўрсаткич 2 бараварга ошди.



Расм 3.2. “Цемент+сув” таркибли портландцемент тошининг электрон-микраскоп ёрдамида 5600 марта катталаштирилган ҳолати

Портландцемент асосидаги пенобетон намуналари (9-чи таркиб, 3.2-жадвал) синов натижалари анализи шуни кўрсатдики 28 кундан кейин мустаҳкамлик 0,94 МПа ни ташкил этди, бунинг асосий сабаби портландцемент активлигининг пастлигида, 28 кунлик активлик фақатгина 34 МПа ни ташкил этади (таркиб 1, 3.1 жадвал).

Ишқорли цементлар таркибига қотувчи тизимнинг асосийлигини оширувчи цемент қўшимчасининг 10, 20 ва 30% миқдорида солиниши, ишқорли ташкил қилувчининг туридан қатъий назар, қотишнинг барча даврларида активликнинг ошишига олиб келади. Масалан, ишқорли компонент сифатида сода ишлатилганда 10% цемент солинганда 7, 17 ва 28 кунда 3 кунлик мустаҳкамликга нисбатан 1,5 , 2,1 ва 3.3 баробарга, 20% солинганда 1,5 , 2,2 ва 4,8 баробар ва 30% солинганда 1,3 2 ва 2,5

Расм 3.4. “Цемент+сув” таркибли цемент тошининг рентгенограммаси

Расм 3.5. ”ЭТФ шлаки+Суюқ шиша” таркибли ишқорли цемент тошининг рентгенограммаси

Расм 3.6. “ЭТФ шлаки+Цем.20%+Сода” таркибли ишқорли цемент тошининг рентгенограммаси

Расм 3.7. “ЭТФ шлаки+Сода” таркибли ишқорли цемент тошининг рентгенограммаси

Жадвал 3.2. Ишқорли кўпикбетоннинг таркиблари ва хоссалари

Расм 3.8. Ишқорли кўпикбетонларнинг мустаҳкамлик чегараси бўйича солиштирма диаграммаси.

Расм 3.9. Ишқорли кўпикбетонларнинг мустаҳкамлик чегараси бўйича солиштирма диаграммаси.

Расм ва керакли жадваллар муаллиф томонидан келтирилмаган. Sindar87@mail.ru электрон манзили орқали керакли маълумотлар ва саволларга жавоб олишингиз мумкин.

баробар мустаҳкамлик ошди (2, 3 ва 4 таркиблар, 3.2-жадвал). Худди шундай қонуният ишқорли компонент сифатида суяқ шиша ишлатилганда ҳам рўй беради. Бироқ бунда мустаҳкамликнинг ошиш тезлиги бироз паст. Портланцемент қўшимчасининг оптимал миқдори содада ҳам, суяқ шишада ҳам 20% (3.8-расм).

Бу қонуниятни шундай изоҳлаш мумкин: портландцемент қўшимчаси қотаётган ишқорли тизимнинг асосийлигини оширади, лекин кристаллизацияланиш маркази вазифасини бажармайди. Буни “электротермофосфор шлаки+суяқ шиша” микроскопик кўриниши тасдиқламоқда. Расмда аморф модданинг марказида янгитузилмаларнинг кичик кристалларини кўрамиз. Бу кальцийнинг паст асосли гидросиликатларидир.

Оптимал миқдорда солинган портландцемент қўшимчаси билан натижада ГОСТ 25485-89га мос келувчи пенобетон олинди. Энди бу таркибларнинг асосий физикавий-механикавий хоссаларини тадқиқотлашга ўтамиз.

3.2. Ишлаб чиқилган ишқорли купикбетонни физикавий-механикавий хоссаларини тадқиқотлаш

Ячейкали бетонлар физик-механик синовлари ГОСТ 25485-89 талабларига мос равишда ўтказилди. Ячейкали бетоннинг ўртача зичлиги ва намлиги ГОСТ 12730.1-78 бўйича, сорбцион намлиги ГОСТ 12852.6-77, сиқилишга мустаҳкамлиги –ГОСТ 10180-90, ўтириши- ГОСТ 25485-89 бўйича, иссиқлик ўтказувчанлиги ГОСТ 7076-87 бўйича, совуққа чидамлилиги – ГОСТ 25485-89 бўйича аниқланди.

Электротермофосфор шлаки, портландцемент қўшимчаси, сода ва суяқ шиша асосида оптимал таркибли (3 ва 7 таркиблар, 3.2-жадвал) ишқорли пенобетонни тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар жадвалда

келтирилган. Кўпик ҳосил қилувчи восита сифатида ПБ-Люкс (Россияда ишлаб чиқарилган)дан фойдаланилди. Олинган натижалар 3.3-жадвалда келтирилган.

Жадвал 3.3. Ишкорли пенобетоннинг физикавий-механикавий хоссалари

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткич киймати
1	Қуруқ ҳолатдаги ўртача зичлик Зичлик бўйича марка	кг/м ³	D 600
2	Сикилишдаги мустаҳкамлик чегараси Сикилишдаги мустаҳкамлик бўйича бетон синфи	МПа	B 1,5
3	Қуришдаги чўкиши	мм/м	
4	Ҳавонинг :75% 90% нисбий намлигида сорбцион намлик	%	
5	Иссиклик ўтказувчанлик	Вт/(мх ⁰ С)	
6	Совуққа чидамлилик Совуққа чидамлилик маркаси	цикллар	F25

Олинган натижалар таҳлили шундан далолат берадики, пенобетоннинг ишлаб чиқилган таркиби ГОСТ 25485-89 «Ячейкалы бетонлар.Техник

шартлар»ни қаноатлантирувчи физикавий-механикавий хоссаларга эга D 600 зичлик бўйича маркага мос келади.

